

294240 - СОН
**ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ТЎҒРИСИДАҒИ
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

Тошкент ш.

2022 йил "31" 01

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси (кейинги уринларда матнда – Компания деб юритилади) номидан 2021 йил "30" декабрдаги 27-01-14/6019 - сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали директори Ф.Ш.Рустамов, бундай буён "Оператор" деб номланувчи, бир томондан ва Амалдор Таш
Уроқдор Таш номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гўвоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Т.У. Нисомов, бундай буён "Абонент" деб номланувчи, иккинчи томондан, биргаликда "Томонлар" деб юритилади, телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида Абонент шартномасини (кейинги уринларда матнда – Шартнома деб юритилади) куйдагилар ҳақида туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367 – 369-моддаларига мувофиқ "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш ҳақидаги абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги уринларда – Оферта деб юритилади) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлар асосида Оператор билан телекоммуникация хизматларини кўрсатиш бўйича Шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастлабқи аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Операторнинг Оммавий офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилгандан сўнг Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Абонент Дастлабқи аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат туридан ва ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятларнинг мавжудлиги билан белгиланади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўзаро ҳамкорликда фаолият юритиш умумэтироф этилган маданиятга амал қилиш ҳамда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширишади.

3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар кўрсатилганидан кейин тўлов тўлаш (Postpaid) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк қуни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 (юз) фоиз** миқдорида олдиндан тўланади. Дастлабқи аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмати тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун** Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмати тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) 300 000
(ҚҚС 10% эълан) сўмни ташкил этади. Ушбу сумма _____
(✓) сўм миқдоридagi Абонент туловини ҳамда _____
(✓) миқдоридagi бир марталик тўловни ўз ичига олади.

Бюджет маблағлари ҳисобидан 300 000
Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан _____

3.4.1. Мазкур Шартнома умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк куни** ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Оператордаги Шахсий (электрон) ҳисобига пул маблағларини ўтказиш йули билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг шахсий ҳисобварағида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса, Оператор ушбу Шартнома буйича хизматлар кўрсатишни тўхтатади.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календар ойи) учун исталмаган тўловларни олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қоидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштирилмаган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календар ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ун) иш куни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура буйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури буйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асосланган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоби баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади. Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно.

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар буйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишни имкони бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солиш қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига мурасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилишади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклдаги жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ун беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

7. Яқиний қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради. Агар Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугагандан сўнг Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонент татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонентга** нисбатан ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 20~~22~~ йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартномани имзоланиши Оферта акцептини (Абонентнинг оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавоби) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тулик Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда, Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ун) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар, агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада, ҳар бир томон учун биттадан расмийлаштирилган.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

Оператор

Филиал "ТШТТ"
АК «Ўзбектелеком»:
100015, Кичик Халка йули кўчаси, 2а уй
ИНН: 203366731 МФО: 00401
ОКЭД: 61100
х/р: 20210000504074838073

АК «Ал-Жазира»
Тел.:
Им:
М.У.



Абонент

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
BOSH PROKURATURASI
AKADEMIYASI
TOSHKENT SHAHAR, 100047
SHAXRISABZ KO'CHASI, 42

H/v: 100010860262737096200010001
INN: 200 838 518 XXTUT 92200
OPERU KAZNACHEYSTVA MINFINA RU
X/r: 2340 2000 3001 0000 1010
HKKMMB TOSH. SH. BB
MFO: 00014 INN: 201 122 919



У.У. Нормаджонов
А.А. Қудратиллоев

20.01.2021 йил
294240-сонли абонент шартномасига
1-илова

Кўрсатиладиган хизматлар

1. Хизматлар руйхати ва хизматлар учун тарифлар

Улчов бирлиги - Миллий валюта (сум)

т/р	Рақам	Хизматлар номи	ҚҚС билан нархи (миқдори)	Асос	Миқдор	15% ҚҚС билан Тулов миқдори, (сумда)
1	2	3	4	5	6	7
I. Бир марталик туловлар						
II. Хар ойлик абонент туловлари						
2.1	712331789	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.2	712331789	ДВО. Предостав.номера вызыв.абонента для ТА с АОН на ЭАТС	1,820.00	Прейскурант	1	1,820.00
2.3	712333581	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.4	712361171	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.5	712361948	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
Жами (олдиндан тулов)						29,420.00

Жами олдиндан тулов миқдори 29420 сум, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида.


Шартноманинг умумий миқдори 29,420.00 сумни ташкил этади. Ундан 29,420.00 сум миқдорида ойлик абонент тулови ҳамда 0.00 сум бир маро габалик уланиши учун руйхатга олиш тулови. Шартнома буйича тулов суммасидан ошган холларда ортиқча сарфланган (лимит) трафик учун туловлар хисоб-фактурага асосан амалга оширилади.

ОПЕРАТОР:
"Ўзбектелеком" АК
"ТШТТ" филиали

АБОНЕНТ:
АКАДЕМИЯ ГЕН.ПРОКУР.РУЗ.

Оператор номидан:

Абонент номидан:


/имзо/
м.ў.

Рустамов Фаррух Шорухович



/имзо/



